
“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида “Катта Дехқонобод” маҳалласининг ҳам 3,0 км. ички йўллари янги қиёфа касб этмоқда
Қува туманида “Очиқ бюджет” лойиҳаси доирасида фуқаролар томонидан илгари сурилган ва “энг кўп” овоз тўплаб ҳолиб бўлган таклифлар асосида маҳаллаларга асфальт ётқизиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ана шундай ободлик ишлари айни кунларда туманнинг “Катта Дехқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам амалга оширилмоқда.

Лойиҳа асосида маҳалланинг “Янгиҳаёт ” кўчасига 2,6 км. асфальт ётқизиш белгиланган бўлиб, пудратчи ташкилот томонидан замонавий техникаларда ишлар жадал амалга оширилмоқда.

“Ташаббусли бюджет”да ҳолиб таклифлар доирасида ҳудудларда ички кўчаларни равионлаштириш тадбирлари давом этмоқда.

2023-05-08 12:57:14